O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2001 йил 11 СЕНТЯБР, сешанба
№ 37 (241)
Сотувда эркин нархда

## ЕР ЭГАСИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Деҳқон учун мустақиллик берган улкан имкониятлардан бири — ўз ерига эга бўлганидир. Бугун ижарага ер олиб, сармоя орттираётган деҳқонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Бироқ олий хўжалик суди вакиллари томонидан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ўтказилган текширишларда деҳқонлар манфаатига ўгай кўз билан қараш ҳоллари ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, мазкур вилоятларда ерни эгаларидан тортиб олиш ҳоллари тез-тез такрорланмоқда. Жумладан, Учқўрғон туман ҳокими томонидан "Карим ота", Поп туман ҳокими томонидан "Камолиддин" фермер хўжалигининг 19 гектар ери асоссиз равишда олиб қўйилган. Бўз тумани ҳокимининг ноқонуний қарори билан тумандаги Т.Мўйдинов номидаги фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини бажармади баҳонасида тугатилган. Унга берилган 7 гектар ер майдони тортиб олинган. Улуғнор тумани ҳокими томонидан Б.Мирзаев номидаги фермер хўжалигининг ҳам 10 гектар ери ноқонуний тарзда олиб қўйилган... Таассуфки, маҳаллий ҳокимликлар томонидан жойларда деҳқонларга нисбатан содир этилган бундай ноҳақликлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Ваҳоланки, далаларда кунни тунга улаб меҳнат қилаётган деҳқонларимиз мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳномалигида амалга оширилаётган изчил сиёсатни қизғин қўллаб-қувватлаб, эртанги кунга умид билан назар ташламоқда. Лекин улар энди эмин — эркин иш юритишга бел боғлаган бир шароитда бундай тўсиқларга учраётгани аянчли ҳол.

Эътиборли томони шундаки, кейинги йилларда фуқароларимиз хусусан, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида аҳамият бериляпти. Мисол учун айтадиган бўлсак, Адлия вазирлиги ҳамда Олий хўжалик суди ҳамкорлигида тузилган махсус гуруҳ йил давомида республикамизнинг вилоят ва туманларида бўлиб, деҳқон ва фермерлари билан юзма-юз очиқ мулоқотлар, ўқув семинарлари ташкил этаётир. Бу каби тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасининг ошишига хизмат қилмоқда.Бунинг натижаси ўлароқ, уларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, тегишли ҳуқуқий идораларга мурожаат этиш ҳоллари кўпайиб бораяпди. Буларнинг бари мамлакатимизда ер эгаси қонун ҳимоясида эканлигидан далолат беради.

**Н. АБДУРАИМОВА**
**ЎзА мухбири**







**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Германиянинг "Сименс АГ" концернри бошқаруви раиси Хайнрих Пирер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтимизда шаҳар ёш ҳуқуқшунослар жамиятининг 1-таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан қиймати 100 сўм бўлган, кумушдан тайёрланган тарихий ёдгорликлар, мустақиллик даврида бунёд этилган меъморчилик обидалари ва спортнинг ривожланиши акс эттирилган тангалар серияси муомалага чиқарилди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро Олимпия қўмитаси биринчи вице-призиденти Виталий Смирновни қабул қилди.

* * *

**Инсон имкониятларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон-Япония марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида 40 минг АҚШ долларига тенг грант-шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур маблағга Қорақалпоғистоннинг қурғоқчиликдан зарар кўрган ҳудудларида тўқсонта замонавий сув насоси ўрнатиш кўзда тутилган.**

* * *

Футбол бўйича мамлакатимиз терма командаси Жаҳон чемпионатининг саралаш босқичидаги навбатдаги ўйинни ўтказиб ғоят муҳим ғалабага эришди. Футболчиларимиз Уммон терма камандасини 5:0 ҳисобига мағлуб этишди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 сентябр куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерациясининг пойтахти бўлмиш Москва шаҳри мэри Юрий Лужковни қабул қилди.**

## ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида мамлакатимиз ижтимоий тараққиётининг энг долзарб масалалари муҳокама этилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинди. Юртбошимизнинг мазкур сессияда қилган маърузасида бу жараён теран таҳлил этилиб, қонунчилик амалиётидаги камчиликлар холисона кўрсатилди. Суд-ҳуқуқ тизимига оид қонунларни янада такомиллаштириш зарурати етилгани алоҳида таъкидланди. Ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Президентимиз Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахсларга нисбатан жазо чораларини енгиллаштириш, жазоланувчиларни қамоққа олишдан кўра, уларга тарбиявий таъсир чораларини қўллаш имкониятини қидириш лозимлигини таъкидлаган эдилар. Юртбошимизнинг бу ғоялари чинакам инсонпарварлик руҳи билан суғорилгани учун жиноят кўчасига кириб қолган шахслар, уларнинг қариндош-уруғларида умид ва ишонч туйғуларини уйғотди.

Мазкур сессиядан сўнг аҳоли ўртасида иқтисодий соҳадаги жиноятларни содир этиб, ишлари терговда бўлган шахслар ва уларнинг қариндош-уруғларига етказилган зарарни тўлиқ қопланиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат эканлиги ҳақида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилди. Натижада прокуратура идораларига айбланувчилар ва уларнинг қариндошлари номидан етказилган зарарни қоплаш тўғрисида аризалар келиб туша бошлади.

Жорий йилнинг биргина июн ойида тергов идоралари томонидан 4.730.842 сўмлик етказилган зарар аниқланиб, шу маблағнинг 3.733.392 сўми тергов даврида ундирилди. Етказилган зарарни тўлаган 10 нафар шахс тергов ҳибсхоналаридаги озод қилиндики, илгари бундай ҳолатни ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Иқтисодий жиноятларга қўл урган шахсларга нисбатан энг оғир жазо чоралари қўлланиларди.

Бундай ҳолат суд жараёнида ҳам кузатилди. Яъни суд идоралари томонидан 80.453.615 сўмлик етказилган зарар аниқланиб, ушбу маблағнинг 73.744.715 сўми судда ундирилди. Етказилган моддий зарарни тўлаган 65 нафар айбланувчи ҳибсхонадан озод қилинди. Биргина июн ойининг ўзида жами 77.478.057 сўмлик етказилган зарар ундирилди. Шу тариқа Юртбошимизнинг маърузасидан сўнг асосий эътиборни имкон қадар етказилган зарарни қоплашга қаратаяпмиз. Жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан тергов жараёнида жазо чораларини қўллаш мазмуни енгиллаштирилиб, айбланувчиларга етказилган зарарни қоплаш имконияти берилмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан 2001 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий жиноятчилик бўйича содир этилган бир неча жиноятлар иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди. Жиноят ишлари айблов хулосалари билан тегишли судларга кўриб чиқиш учун юборилди. Жумладан, 6 ой мобайнида содир этилган бир неча жиноят иши юзасидан бир неча ўн нафар шахсга айблов эълон қилинган, шундан 15 кишига қамоққа олиш, 29 кишига тилхат, 11 кишига гаров эҳтиёт чораси қўлланилди. Жиноят ишлари бўйича айбланувчилар томонидан давлатга 65.236.575 сўм миқдорида моддий зарар келтирилган бўлиб, дастлабки тергов даврида шу маблағнинг 61.363.965 сўми (94,0 фоизи) айбдор кишилардан ихтиёрий равишда ундирилган. Қолган 3.872.610 сўм миқдоридаги зарарни ундириш учун судга даъво аризалари киритилди. Жиноят содир этилиши натижасида келтирилган зарарларни ундириш кўрсаткичлари 2000 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб уч баравар ўсди.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида Ш.Рашидов туманидаги "Волков" пахта тозалаш корхонаси раҳбари К.Искандаров, шу корхонанинг тайёрлов бўлими бошлиғи М.Мингбоев, режа-иқтисод бўлими бошлиғи Б.Қўлдошев, тайёрлов бўлими ҳисобчиси У.Тўхтаевлар 1999 йил пахта терими мавсумида Мирзо Улуғбек номидаги пахта қабул қилиш пункти 1-зона товаршуноси Б.Игамқулов, 2-зона товаршуноси Ш.Исоқов, 3-зона товаршуноси П.Бозоров, лаборатория мудираси З.Сатторовалар Меҳнатобод туманидаги баъзи хўжаликлар раҳбарлари ва фермерлар билан тил бириктириб, (842 та сохта юк хати билан) 2311 тонна пахтани қўшиб ёзишгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, "Волков" пахта тозалаш корхонаси раҳбари К.Искандаров (ва бошқалар) Ш.Рашидов номидаги пахта қабул қилиш пункти орқали (125 та қалбаки юк хати билан) 306 тонна пахтани қўшиб ёзишган. Шу тариқа ушбу жиноятчи гуруҳ томонидан жами қиймати 63.618.304 сўм (2617 тонна) пахта қўшиб ёзилган. Шунча миқдордаги пахтанинг қайта ишланиб, ундан 930 тонна тола (156.104.750 сўмлик), 1986 тонна чигит ва бошқа маҳсулотлар олинди. Ва 2000 йилнинг июн, июл ойларида бир қатор хорижий фирма ва корхоналарга жами 815 тонна юқори навли тола (126.907.100 сўмга) сотилди, деб сохта ҳужжатлар тайёрланганлиги аниқланди. Юқоридаги жиноят ишлари бўйича давлатга етказилган жами 22.437.690 сўмлик моддий зарар айбдор шахслар томонидан тергов жараёнида тўлиқ ундирилди. "Волков" пахта тозалаш корхонаси раҳбари К.Искандаров ва ушбу жиноий ишларни содир этишда бевосита иштирок этган бир гуруҳ кишилар Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилди. Жумладан, К.Искандаров, М.Мингбоев, Ш.Исоқов, А.Бегалиев, Р.Ирисов, Р.Ариповларга қамоққа олиш, қолган айбдорларга нисбатан эса муносиб хулқ-атворда бўлиш шарти билан тилхат эҳтиёт чораси қўлланилиб, мазкур жиноят иши судда кўриб чиқишга юборилди.

(Давоми иккинчи бетда)

## «ИНСОН ва ҚОНУН»га...

### ЖАВОБ БЕРАДИ

## НАЗОРАТ ПРОТЕСТИ КИРИТИЛДИ

Вилоят прокуратураси томонидан газетанинг 24-июл сонида чоп этилган **"Ўғлим ўғри эмас"** сарлавҳали мақоласи юзасидан 2000 йил 23 октябр куни Яккабоғ туман суди томонидан судланган Х.Нормуродовнинг жиноят иши ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Хусниддин Урозалиевич Нормуродов 2000 йил 23 октябр куни соат $24^{30}$ ларда Қамаши тумани, "Чим" жамоа хўжалигининг, Қушкапа қишлоғида яшовчи фуқаро Ю.Қурбоновнинг молхонасига кириб, 2 бош (360000 сўмлик) молини ўғирлаб кетаётганида уй эгалари — ака-ука Норбута ва Сафар Қурбоновлар томонидан ушланган. ЖКнинг 25-169 – моддаси 3-қисми "б" ва "г" бандлари билан айбли топилиб, жиноят иши судга юборилган.

Яккабоғ тумани судининг (2001.06.09.) ҳукми билан Х.Нормуродов ЖКнинг 25-169-моддаси 3-қисми "б" ва "г" бандлари билан айбли топилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Суд ҳукмига нисбатан судланувчи томонидан келтирилган апелляция шикояти 2001.06.26 куни жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судлов ҳайъатида кўрилиб, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Х.Нормуродовга нисбатан жиноят иши вилоят судида назорат тартибида ўрганилиб, суд терговининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқлама тарзда олиб борилганлиги боис Яккабоғ тумани жиноят ишлари бўйича судининг 2001.06.09 кунги ҳукми ва туман судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги жиноят ишлари бўйича вилоят суди судлов ҳайъатининг 2001.08.26 кунги ажримини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан бошқа суд таркибида кўриш учун юбориш ҳақида 2001.08.24 куни жиноят ишлари бўйича вилоят судининг Раёсатига назорат протести киритилди.

Бугунги кунда жиноят иши вилоят судининг Раёсатида кўрилиш арафасида турибди.

**Ф.ШАЙМАНОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурори ўринбосари, Адлия катта маслаҳатчиси**

### ШИКОЯТ ҚИЛАДИ

## МЕҲНАТ ҲАҚИМНИ ОЛОЛМАЙМАНМИ?

1999 йили хўжаликнинг буғдойдан бўшаган ерига раис уюшмасидан рухсат олиб, сабзи экдим эдим. Ҳосил роса мўл бўлди. Шунда раис етиштирилган ҳосилни ширкат аъзоларига бўлиб берамиз, деб таклиф қилди. Раис "ҳозир ғазнада пул йўқ, пул бўлган заҳоти ҳақингизни оласиз", — деб ваъда берди.

Мен рози бўлдим ва ҳар бир килограмм сабзини 15 сўмдан ведмость (варақа) орқали одамларга тарқатиб бердим. Жами 170 минг сўм бўлди. Кейин билсам, бекор бундай қилган эканман. Раис ваъдасини бажармади. Шундан буён ҳалол меҳнатимнинг пулини ололмай сарсонман. Яқинда хўжаликга янги раис келди. Унга воқеани айтиб, пул ўрнига буғдой беринг, дея илтимос қилдим.

Афсуски, раис сўровимни рад этди. Мен энди нима қилишга ҳайронман. Наҳотки, ўз пешона терим эвазига топган ҳалол пулимни ололмасам?

**Сайдулла МАМАТОВ,**
**Сирдарё вилояти, Оқолтин тумандаги "Андижон" ширкатлар уюшмасининг 2-бўлими мироби**

### ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

## ИХТИСОСЛИК АНИҚ БЎЛСА...

Яқинда суд органлари уч йўналишга бўлинди: хўжалик масалаларига оид судлар, жиноий ишлар бўйича судлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар. Шундан келиб чиқиб таклиф қилмоқчи эдимки, прокурорларни ҳам, адвокатларни ҳам ана шундай уч йўналишга ихтисослаштириш керак. Нега деганда, ҳамма соҳани оз-оз билгандан кўра, битта соҳани тўлиқ билса, яхши натижа беради.

Умуман айтганда, ҳуқуқий тизимни ана шундай аниқ соҳаларга бўлиб иш юритиш тергов ва суд жараёнларининг мукаммаллиги, бериладиган жазонинг ҳар томонлама қонуний бўлишига ёрдам беради.

Ҳаттоки журналистларни ҳам ҳуқуқшунос-журналист ихтисослиги бўйича махсус факультетда ўқитилса ҳуқуқий нашрларнинг умумий даражаси ва профессионал савияси юқори бўлади, деб ўйлайман.

**Мавлуда МУҲАММАДИЕВА**

### Адлия тизими

## Навоий

Яқинда Навоий вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан Навбаҳор туманидаги "Наврўз" қишлоқ хўжалик корхонаси билан оилавий пудратчилар ўртасида тузилган пудрат шартномаси ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида бир қанча пудратчилар билан 2000 йилнинг сентябр-октябр ойларида имзоланган шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилмаганлиги аниқланди.

Масалан, ички пудрат шартномасига асосан пудратчи Мўмин Нормуродов корхонага 17200 кг ўрнига 17455 кг яъни шартнома режасидан 255 кг ортиқ дон топширган. Пудрат шартномасининг 2.1-банди 4-кичик бандчасига биноан оилавий пудратчи режадан ортиқча етиштирилган донни юз фоиз натура шаклида олиши лозим эди. Лекин корхона бошқаруви пудратчига 10 кг дон берган, холос. Қолган 155 кг доннинг ҳар бир килограмми учун 55 сўмдан 8552 сўм пул тўлаган. Шу ўринда корхона бошқаруви пудрат шартномасига тескари иш тутган, яъни пудратчига қонунда белгиланганидек режадан ортиқ дон учун бозор нархида эмас, ўзлари билган баҳода пул тўлаган. Ҳолбуки, ўша пайтда бир килограмм буғдой бозорда 130 сўм бўлган. Бу билан корхона пудратчига 155 кг доннинг ҳар бир килограмми учун 75 сўмдан, жами 11625 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

"Наврўз" қишлоқ хўжалик корхонасининг бошқа оила пудратчиларига етказган моддий зарари бундан-да ошиқча. Масалан, корхона режадан ошиқ дон топширган оила пудратчиси Зиёдулло Равшановга ортиқча ҳосил учун бозор нархида ҳақ тўламай, 129150 сўм, Элбек Мирзаевга эса 63450 сўм моддий зарар етказган.

Навоий вилоят адлия бошқармаси юқорида номлари келтирилган оила пудратчилари фойдасига корхона томонидан келтирган моддий зарарни ундириш ҳамда шартнома интизомини бузганлиги учун айбдор бўлган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун Навбаҳор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритди.

### Конституция ва биз

## МИЛЛИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК КАФОЛАТИ

### Ўн тўртинчи сабоқ

***Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг ўзига хос миллий модели шакллантирилмоқда. Бу давлат ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, умуминсоний қадриятларга таянган бўлиб, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди. Яъни Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ҳамда миллий анъаналари ҳурмат қилиниши ва уларни давр руҳига монанд тарзда ривожлантириб бориш назарда тутилади. Бир сўз билан айтганда, асосий Қомусимизда мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг миллий тенглиги тамойили кафолатланган. Навбатдаги сабоғимиз ҳам бевосита шу мавзуга бағишланган. Уни Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди О. ЮНУСОВА шарҳлайди.***

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим хусусиятларидан бирини ўзида мужассамлаштирган. Унда белгиланган меъёр дунёдаги ҳеч бир давлатнинг Конституциясида учрамайди. Кўриб турибмизки, Конституциямизда "Ўзбекистон халқи", "Ўзбекистон фуқаролари" деган тушунчаларга таъриф берилаяпти. Бунга кўра, Ўзбекистонда туғилган ва унинг ҳудудида истиқомат қиладиган ҳар бир инсон миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади ва у республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиш ҳуқуқига эгадир.

***Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.***

**8-модда**

Конституциямизнинг кўпгина моддаларида "халқ" тушунчаси батафсил очиб берилади. Ўзбекистон тарихида қабул қилинган аввалги Конституциялардан фарқли равишда мазкур Конституция Ўзбекистон халқини ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, мусулмонлар ва ҳоказоларга ажратмайди. Унинг "назарида" ким қандай касбни эгаллашидан, қандай машғулот тури билан шуғулланишидан, жамиятда қандай ўрин тутишидан, ижтимоий келиб чиқишидан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, аввало инсон ҳисобланади. Яъни бошқача айтганда, Ўзбекистонда туғилиб, шу ерда истиқомат қиладиган ҳар бир киши ишчими, деҳқонми, зиёлими, савдогарми, мулкдорми, ота-бобоси бой ёки камбағал ўтганлигидан қатъи назар, — инсондир ва Ўзбекистон фуқароси саналади.

Инсон сиёсий маънода кўпинча "шахс" деб юртилади. "Шахс" ибораси биологик, табиий зот маъносида эмас, балки ижтимоий борлиқ субъекти маъносида ишлатилади. Шахс сиёсий-юридик маънода кўпинча фуқаро деб аталади. Шуни айтиб ўтиш керакки, илгариги Конституцияларда фуқаро ибораси ўрнига гражданин деган ибора ишлатиб келинган эди. Биринчи марта ушбу Конституцияда "фуқаро" деган ибора қўлланилди.

Конституция лойиҳаси муҳокама қилинаётганда баъзи кишилар "фуқаро" деган иборани чиқариб ташлаб, унинг ўрнига "гражданин" иборасини қўллашни таклиф қилган эдилар. Лекин бу таклиф инобатга олинмади. Чунки ҳозирги вақтда "фуқаро" тушунчаси янги маъно, янги мазмун касб этди ва инсоннинг чинакам ижтимоий маъносини акс эттириб турибди. Зеро, давлатимиз сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб, ҳеч қандай ташқи давлатнинг таъсирида ва таркибида эмас. Унинг фуқаролари ҳам сиёсий жиҳатдан озод ва эркин инсонлардир. Умуман, фуқаро ибораси инсоннинг мазкур давлатга таалluқлилиги маъносида ишлатилади. Шу туфайли фуқаролар давлат томонидан ўрнатилган маълум ҳуқуқларга эга ва маълум бурчларни бажаради. Конституциямизнинг энг муҳим демократик жиҳатларидан бири шундаки, унда инсон ҳуқуқлари фуқаро ҳуқуқларига қарши қўйилмаган, балки аксинча, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ўзаро уйғунлашиб кетган. Конститутциянинг II бўлими "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари"га бағишланган бўлса, унинг III бўлимида "Жамият ва шахс" ўртасидаги муносабатлар батафсил тартибга солинган.

Конституциянинг 8-моддасида белгиланган яна бир муҳим демократик руҳдаги қоида Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги тамойилининг мустаҳкамланишидан иборат эди. Бу эса инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос бўлиб тушади.

# ПУДРАТЧИГА ПУТУР ЕТСА...

Яхши ишлаган яхши яшаши керак. Бу — аксиома, яъни оддий ҳақиқат. Буни рад этиб бўлмайди. Гоҳида эса унинг ҳам "но"си борга ўхшайди. Яъни ишни билишдан кўра, керакли қоғозларни яхшилаб тўлдириб қўйишни ўрганиб олиш керак экан. Пўлат Раупов шу ақидани билмагани учун салкам чув тушди.

Бояқиш 1999 йили "Шўрўзак" ширкат хўжалигидан уч йилга 24 гектар пахта майдонини ижарага олиб, оиласи билан пудратчи бўлиб ишлай бошлади. Уч йилга шартнома тузди. У ишнинг кўзини билишига, оиласи ва жўжиқлари билан қаттиқ ишласа бир нималик бўлиб қолишига ишонди. Шартнома бор-ку, бир нима бўлса, хўжалик катталари ҳимоя қилишар, деб ўйлади.

Пўлат Рауповга хўжалик маълумотномаси:

Ер майдони-24 га, режа бўйича ҳосилдорлик — 29,3 ц, ялпи ҳосил - 59 т. Ҳақиқатда: ҳосилдорлик — 30,37 ц., ялпи ҳосил — 72.9 т, режадаги 70 фоиз — 41,3 т, чигити — 21369 т.

Шундан олинадиган маҳсулот: 1882 кг ёғ, 3755 кг шелуха, 7661 кг кунжара.

Шу маҳсулотларнинг урвоғи ҳам пудратчига тегмаган. Шартномага кўра, хўжалик беришга мажбур эди. Албатта, ортиқча топширилган ҳосил ҳисобидан.

Орадан бир йил ўтди, аммо хўжаликдан садо чиқмади. Шу муддатда 1999 йил учун деҳқон-фермер хўжаликлари, пудратчиларга бериладиган ёғ, шелуха, кунжара, совун фонди 2000 йил 30 декабрга келиб куйиб кетди. Аслида куймайди, ёғ заводидагилар фондни йилдан-йилга ушлаб турмай, маҳсулотнм эркин савдога чиқариб юборишганда, фонд куйиб кетибди, деб жайдари қилиб айтишади. Ачинарлиси шуки, хўжалик раҳбарларининг қилмишини кўриб, пудратчи ҳам "куйиб кетди". Борэ, деб юқорига ёза бошлади.

Хўш, аслида но хуш ҳолатнинг олдини олиш мумкин эдими? Ҳа, албатта. Биринчидан, хўжалик режани дўндиргани билан қарз бўлиб қолишганини, шу боис, ёғ заводи насияни билмаслигини, тегишли маҳсулотларни нега олиб беролмсликлари сабабини пудратчига аниқ-равшан қилиб айтиб қўйиш ва қарзни бошқача йўл билан узиш чорасини кўриши керак эди. Холбуки, хўжалик 1999 йил ҳосили учун пулини ололмаган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 майдаги 248-қарорига асосан, шартнома кўп томонлама, яъни пудратчи, хўжалик, пахта тозалаш ва ёғ заводлари ўртасида қайта тузилиши керак эди. Ўшандагина, агар пудратчи режадан ортиқча хомашё топширса-ю, хўжалик ҳисобида пули йўқлиги учун заводдан тегишли маҳсулотни олиб беролмаса ҳам ёғ заводининг пудратчи олдидаги мажбурияти сақланган бўлар эди. Пудратчи ўз пулига заводдан тегишли маҳсулотни сотиб олса, хўжалик шу маҳсулот қиймати миқдорида пудратчидан қарздор бўлиб қоларди. Афсусланарли жиҳати ҳам шуки, ушбу оддий ишни хўжалик раҳбарлари маромига етказишмаган, пудратчига ҳам тушунтиришмаган. Юқоридаги ҳолатда ҳам пудратчи мутлақо зарар кўрмасди, заводдан маҳсулотларни савдодагидан анча арзон нархда оларди.

Орадан икки йил ўтгандан кейин-чи? Аввало, фонд куйиб кетди, энди фақатгина шу маҳсулотлар суммасини ундириши мумкин. Ўртадаги фарқ катталигини айтмасак ҳам бўлади. Ҳатто ширкат хўжалиги раҳбари Жўрабой Умрзоқов, бош ҳисобчи Эркин Ҳамзаев тўлаши керак бўлган 50 минг сўм моддий ва 25 минг сўм маънавий зарар ҳам жами зиённинг ўрнини босолмайди.

Ушбу воқеа хўжалик ва пудратчилар ўртасидаги англашилмовчиликлардан бир мисол, холос. Айниқса, 1999 йилги меҳнати учун куйиб қолаётган пудратчилар сони анчагина. Улар юқори ташкилотлар ва идораларга шикоятлар билан мурожаат этишмоқда. Ишни дўндириб қўйгандан кейин ҳақни ҳам талаб қилишади-да. Уюшмалар, ширкат хўжаликлар раислари шартнома шартлари тўлиқ бажарилиши учун жавобгарликни ҳис этишлари зарур.

Пудрат усули ҳам қишлоқ хўжалигида деҳқон-фермер хўжаликлари каби кенг қўлланилмоқда. Унга путур етказиш, яхши ишламоқчи бўлган инсонларнинг йўлига ғов қўйишдек гап.

**Мардали МАҲМУДОВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси мутахассиси,**
**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



Деҳқон кузи келди

*Адлия тизими*

## САМАРҚАНД

***Ўтган саккиз ойда вилоят адлия бошқармаси томонидан хўжалик судига 150 миллион 661 минг 175 сўмлик дебиторлик қарзларни ундириш бўйича 237 та даъво аризаси киритилди. Натижада 141 миллион 852 минг 621 сўмлик 209 та даъво аризаси суднинг ҳал қилув қарори билан тўлиғинча қаноатлантирилди.***

* * *

***Ўтган муддатда адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфатларини бузганлиги учун 12 нафар мансабдор шахслардан 1 миллион 136 сўмлик маънавий ва 471 минг 151 сўмлик моддий зарар суд тартибида ундирилди.***

* * *

***Фуқаролик ишлари судига шартномага асосан топширилган маҳсулотлар ҳақи ва етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундириш мақсадида 36 та даъво аризаси киритилди. Ана шу даъво аризалари жавобгар жисмоний ва юридик шахслардан жами 16 миллион 880 минг 317 сўмни қоплашни***

## Оталар дейдики:

**Сусткашлик осон ишни мушкуллаштиради, қийин ишни эса чорасиз бир аҳволга олиб келади.**

* * *

**Умрнинг бутун маъноси мавҳумликни тўхтовсиз забт этиш, тобора ва ҳамиша кўпроқ билишга интилишдир.**



Соҳилдаги мажнунтол...

Янги рукн: *дунё тараққиёти мезонлари*

# АҚШ: ТАДБИРКОРЛИККА МОЛИЯВИЙ КЎМАКЛАШИШ

***Азиз газетхон!***

***Бугун тадбиркорлик фаолиятига халқимизнинг келажагига бевосита дахлдор муҳим масала, иқтисодиётимизнинг таянчи деб қаралаётгани, унинг ривож топиши, тараққий этиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилаётгани, энг муҳими, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратилаётгани замирида, ҳеч шубҳасиз, катта маъно-мазмун мужассам.***

***Чунки бугунги кунда тадбиркорликнинг ривож топиши иқтисодиётимизни юксалишида катта аҳамият касб этибгина қолмай, хусусий мулкнинг шаклланиши, аҳолининг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятининг тўла рўёбга чиқишида ҳам муҳим омил бўлаётганини ҳеч кимга сир эмас.***

***Албатта, бугун биз дунё билан ҳамнафас ва ҳамқадам яшаётган эканмиз, тараққий этган давлатларнинг бу борадаги тажриба ва ютуқларини ўрганиш, уларни миллий хусусиятларимиздан келиб чиқиб, ҳаётимизга тадбиқ этиш ҳам бу жараёнда муҳим ўрин тутади.***

***Зеро, дунё тарихига назар ташласак, аксарият тараққий топган давлатлар ўтиш даврида айнан тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қараганининг гувоҳи бўламиз.***

***Мамлакатимизда иқтисодиётнинг хусусий секторини бозор муносабатлари талабларига уйғун ҳолда шакллантириш, ушбу соҳани ривожлантириш, умуман, мулкдорлар тоифасини қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда.***

***Хўш, тараққий топган давлатларда ўтиш даврида хусусий секторни ривожлантиришга қанчалик эътибор берилган?***

***Биз янги рукн остида тараққий топган давлатларнинг ютуқ ва тажрибалари тўғрисида ҳикоя қилиб боришни лозим топдик.***

***Дастлабки баҳсимиз АҚШнинг бу борадаги тажрибалари ҳақида.***

АҚШда кичик бизнес, агар таъбир жоиз бўлса, мамлакат иқтисодиётининг умуртқаси саналади. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки иқтисодиётнинг мазкур секторида мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 40 фоизи ишлаб чиқарилади, инновацияларнинг ярмидан кўпи яратилади. Мамлакатдаги мавжуд ишчи кучининг 3/2 қисми айни шу соҳада фаолият кўрсатади.

Агар АҚШ иқтисодиётига назар ташласак, кичик бизнес иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётини оёққа туриши, тараққий этиши ва жаҳон бозоридаги рақобат курашида мустаҳкам ўрин эгаллашда ҳал этувчи аҳамият касб этганини кўрамиз.

Шу маънода кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги муҳим ўрнини назарда тутиб, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келиниши замирида мамлакатнинг бугунги куни ва келажагига дахлдор катта маъно мужассам. Кичик корхоналарга кредит ва кафолатли заёмлар орқали ёрдам кўрсатиш ҳақида гапирганда, энг аввало, Конгресс томонидан 1953 йилда ташкил қилинган кичик бизнес ишлари Маъмуриятини қайд этиб ўтиш жоиздир. Федерал бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган мазкур Маъмурият кичик бизнес субъектларига бепул ахборот хизмати кўрсатибгина қолмай, уларга ажратилган кредитларнинг 90 фоизигача заём маблағи орқали давлат кафолатини ҳам беради.

Шуни айтиш керакки, 1999 йилда кичик бизнес ишлари Маъмурияти томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 15,3 млрд. доллар маблағ кредит сифатида ажратилди. Бу 1998 йилдагига қараганда, 15 фоиз кўп эди. Мазкур маблағнинг 72 фоизи дастурга мувофиқ банкдан кредит олиш имкониятига эга бўлмаган янги ташкил этилган кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилди. Кредитнинг берилган муддати, заёмнинг миқдори ва мақсадидан келиб чиқиб, умумий сумманинг (агар у 750 минг доллардан ортиқ бўлмаса) 75 фоизига, (агар 100 минг доллардан ортиқ бўлмаса) 80 фоизига кафолат берилади. Айланма маблағ учун 10 йилгача, асосий маблағ учун эса 25 йилгача кафолат муддати берилади. Фоиз олиш миқдори кредитнинг 2,75 қисмидан ошмаслиги шарт.

Мазкур Маъмурият томонидан иккинчи бир кенг миқёсли дастур ҳам амалга жорий этиб борилади. Бу — кичик корхоналар фаолиятини янада кенгайтириш ва замонавийлаштиришга кўмак беришдан иборатдир. Мазкур дастурни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад кичик корхоналарга кўчмас мулк, асбоб-ускуна ва янги технологияларни сотиб олиш учун узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар ажратишдир. Агар ажратиладиган кредитнинг миқдори 1 млн. доллардан кам бўлмаса, Маъмурият томонидан унинг 40 фоизигача кафолат берилади.

Ушбу дастур нафақат кўрсатилаётган хизматнинг арзон ва қулайлиги билан ажралиб туради, балки зарур асбоб-ускуналарни излаб топиш ва олиб келиш, арзон нархда қурилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мазкур дастурнинг амалий ижроси учун ҳар йили Маъмуриятнинг умумий бюджетидан 19,6 фоиз миқдорида маблағ ажратилади.

Шу билан бирга, кичик бизнес ишлари Маъмурияти бошқа йўналишларга ҳам ўз маблағини сарфлайди. Масалан, ҳар йили икки ва ундан ортиқ компанияларнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган кичик корхоналарга 7,2 фоиз миқдорида кредит ажратади. Одатда фойда келтирмайдиган корхоналарга микрокредит ажратиш ва умуман қайтиб олмаслик шарти билан 0,5 фоиз миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилади. Энг қизиқ томони шундаки, кичик бизнес ишлари Маъмуриятидан кредит олган кичик корхоналарнинг 85 фоизи бир йил ичида банкротга учрайди. Лекин бу ҳолат Маъмуриятни ортиқча ташвишга солмайди. Чунки экспертларнинг фикрига қараганда, оёққа туриб олган фирмаларнинг кейинги фаолияти сарфланган умумий харажатларни тўла қоплайди.

# ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

*(Боши биринчи бетда)*

Ёки яна бир мисол. Гулистон туманидаги "Деҳқонобод" ДККП бошлиғи А.Эгамқулов, тарозибон Г.Шодмонқуловлар 2230700 кг (45.540.360 сўмлик) донни ноқонуний равишда хўжаликларга чиқиш қилиб, 725540 кг (178821197 сўмлик) дон маҳсулотини талон-тарож қилишган. Улар томонидан етказилган 12483680 сўмлик зарар терговдаврида ундирилиб, Т.Шодмонқуловга қамоқ, А.Эшмқуловга гаров эҳтиёт чораси қўлланиб, бу иш ҳам судга холис ҳукм чиқариш учун жўнатилди.

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят прокуратураси ЖТКБ терговчилари томонидан тергов давомида жиноят ишлари юзасидан етказилган моддий зарарни ундириш кўрсаткичи 86,1 фоизни ташкил этди.

Шу йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят прокуратураси идоралари томонидан тергов жараёнида ёки тергов ишлари тугатилган жиноят ишлари юзасидан Жиноят кодексининг 164-169 моддалари бўйича етказилган 146.132.100 сўмлик зарар аниқланиб, шу маблағнинг 108.084.000 сўми (73,9 фоиз) тергов даврида ундирилди. 26.316.477 сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга 16 та даъво аризаси киритилган бўлиб, суд жараёнида 8 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, 23.322.0 сўмлик зарар ундирилди.

Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни демократлаштириш сари муҳим қадам қўйилди. Юртбошимизнинг маърузасида алоҳида уқтириб ўтилганидек, жиноятларни белгилаш қоидаларининг ўзгартирилиши Жиноят кодексимизнинг умумий йўналишини том маънода ўзгартиришга ва уни ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларига мослаштиришга имкон беради. Таклиф этилаётган янги қоидалар моҳият-эътибори билан инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, инсон шаънини улуғлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга хизмат қилади. Уларнинг амалиётга жорий этилиши фуқароларнинг давлатимизга нисбатан бўлган ишонч туйғусини янада мустаҳкамлайди.

**Эркин ЙЎЛДОШЕВ,**
**Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари**

*Талаба мулоҳаза юритади*

# ТУРАР ЖОЙ ДАХЛСИЗЛИГИ

Халқимиз, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ миллий давлатчилик тарихи ва жаҳон андозалари тажрибасига таянган ҳолда адолатли ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти қуришдек улуғ вазифани амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Демократия тамойили жамият ва давлат олдига бир қанча талабларни қўядики, ушбу талабларни ҳал этмасдан туриб, демократик жамиятни барпо этиш мураккабдир. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксак бўлган жамиятда чинакам демократия қарор топади ва унинг замини мустаҳкам бўлади. Демократик давлатда ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда бурчларини чуқур англаб етиши лозим. Бу борада эса Президентимизнинг "**Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида**"ги Фармойиши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки Бош қомусимизда фуқароларнинг барча соҳадаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгиланган бўлиб, қонуний тарзда кафолатланган.

Бугун биз фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларидан бири — турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи ҳақида фикр юритамиз. Конституциянинг 27-моддасига кўра, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллар ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор этиши мумкин эмас. Уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи бу ҳар бир фуқаронинг субъектив ҳуқуқи бўлиб, унга асосан ҳеч кимнинг ёхуд ҳеч қайси мансабдор шахснинг одамларнинг доимий ёки вақтинча яшаши учун мўлжалланган уйига, агар бунга қонуний асос бўлмаса, киришга ҳаққи йўқдир. Бу ҳуқуқ мулк шаклидан қатъи назар, ҳамма уй-жойларга тегишли. Бу ҳуқуққа уй-жойда, тегишли ётоқхоналарда, меҳмонхоналарда яшовчилар, бўлак уйларни, квартираларни, хоналарни ижарага олиб яшаб турган фуқаролар эга. Уй-жойга рухсатсиз кириш фақат қонун билан тайин этилган ҳолларда ва белгиланган тартибдагина йўл қўйилади. Бу борада эса жиноят процессуал кодексида уйни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ишларини қай тартибда амалга ошириш асослаб берилган. Иш учун аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳолатини аниқлаш, далилий ашёлар ва жиноят изларини аниқлаш учун кўздан кечириш ўтказилади. Уй-жойни кўздан кечириш зарурати туғилса, терговчи, суриштирувчи бу ҳақда қарор чиқаради, суд эса ажрим чиқаради. Кимнинг уйида кўздан кечириш ўтказилаётган бўлса, у бу қарор ёки ажрим билан уй эгасини таништириши лозим. Кўздан кечириш қайдномасининг нусхаси кўздан кечириш якунланган пайтдан бошлаб 24 соат давомида прокурорга юборилиши лозим. Уйни кўздан кечириш, агар у дастлабки тергов ёки суриштирув жараёнида олиб борилаётган бўлса, холислар иштирокида амалга оширилади. Агар иш кўриб чиқилаётганда кўздан кечириш учун эҳтиёж туғилса, суд ажрим чиқаради ва кўздан кечириш томонлар иштирокида ўтказилади. Бирон-бир уй-жой иш учун аҳамиятли бўлган ҳужжатлар ёки ашёлар бор, деб ўйлашга етарли ахборотлар бўлганда далилланган қарор асосида ва фақат прокурорнинг санкцияси билан терговчи, суриштирувчи тинтув ўтказиш учун уй-жойга киришлари мумкин. Шуниси аҳамиятлики, тинтув ўтказиш мобайнида тинтув ўтказилаётган уй-жойнинг эгаси ёхуд унинг оиласига мансуб бирон-бир вояга етган аъзоси иштирокини таъминлаш зарур. Мабодо, уларнинг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаса, у ҳолда тегишли ҳокимлик ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакилларини таклиф этиш лозим. Шуни айтиш жоизки, фуқароларнинг уй-жойларига уларнинг рухсатисиз киришга фақат ёнғин, газ ёки бошқа фавқулотда вазиятларда йўл қўйилади. Бироқ бундай ҳаракатга фақатгина фалокатнинг олдини олиш, одамларнинг мулкини қутқариш учун рухсат этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда фуқароларнинг нафақат турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқи, балки барча соҳадаги ҳуқуқлари ҳуқуқнинг барча соҳалари билан қатъий муҳофаза қилинади. Бу эса демократиянинг инсонпарварлигидан далолат беради.

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
**ТДЮИнинг II ҳуқуқ факультети 2-курс талабаси**

*Шартнома — лафз демакдир*

# ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан ички хўжалик шартномаларининг тузилиши ва бажарилишининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида 69 та ширкат хўжалигидаги аҳвол ўрганиб чиқилди.

Вилоятда 12 та намунавий ширкат ва 12 та намунавий фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, улардаги тажриба бошқа хўжаликларга тадбиқ этилмоқда. Мазкур хўжаликлар тажрибаси мисолида шартнома интизоми ва чек тизимини бошқа хўжаликларга намуна сифатида кўрсатиш даражасига етказиш, уларни керакли ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартнома нусхалари билан тўлиқ таъминлаш, ҳар бир пудратчига ички хўжалик шартномасининг ҳамда чек тизимининг моҳияти, афзалликлари бўйича мунтазам тушунтириш ишларининг олиб борилаётгани яхши натижалар бераяпди. Шунингдек, бу ерда яна бир янгилик жорий этилди.

Ички хўжалик шартномаларининг тузилиши ва бажарилиши қонунийлигини таъминлаш, ширкат хўжаликларида шартномавий муносабатларнинг ижросини назорат қилиб бориш мақсадида ҳар бир туманга Адлия бошқармасининг масъул ходими вакил этиб тайинланди. Вакил ходимлар оила пудрати шартномаси тузишда амалий ёрдам кўрсатадилар.

Вилоятдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида 6.287.868.000 сўмлик 3,371 та ички хўжалик шартномалари тузилган бўлиб, улардан 1.580 таси бошқарма томонидан қайта ўрганиб чиқилди.

Шундан 260.663.200 сўмлик 50 та нотўғри шартнома бекор қилиниб, қайта туздирилди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Мирзачўл туманидаги Абай номли ширкат хўжалигида шартномалар тузилиши ёрдам бериш йўли билан ўрганилганда оила (жамоа) пудрати шартномаларида "Маҳсулот етиштириш мажбурияти "Пудратчи" нинг айби билан бажарилмаса, "Буюртмачи" хўжалик етиштирилмаган махсулот қийматини бозор нархида тўланишини "Пудратчи"дан талаб қилиш ҳуқуқига эга", деб кўрсатилган экан. Мазкур шартнома биртомонлама, яъни "Буюртмачи" манфаати учун тузилганлиги учун туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди, Абай номидаги ширкат хўжалигининг 2001 йил 15 март куни бўлиб ўтган умумий йиғилишида ушбу ҳолат муҳокама қилиниб, хўжаликнинг бош ҳисобчиси Р.Тотанов ва бош иқтисодчиси Е.Кенжебековларга хўжалик шартномалари тузилишида камчиликларга йўл қўйгани учун йиғилиш қарори билан интизомий жазо берилди ва ширкат хўжалиги билан оила пудрати бошлиғи ўртасида тузилган шартномалар қонунга мослаштирилиб, вилоят адлия бошқармаси ходимлари ёрдамида қайтадан тузилди.

Шунингдек, вилоят Адлия бошқармаси ходимларининг жойларда ички хўжалик шартномаси ҳамда чек тизимининг моҳияти, афзалликлари, чек дафтарчаларини юритиш ва тўлдириш тартиблари бўйича мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориши натижасида вилоят миқёсида тўлиқ чек юритиш тизими йўлга қўйилган. Масалан, Жиззах, Пахтакор, Дўстлик ва Мирзачўл туманларида 2001 йил ҳосили учун бугунги кунга қадар ғалла ва пахта экинларига тўлиқ ички оила (жамоа) пудрати шартномалари тузилиб, барча оила (жамоа) пудратчиларига чек дафтарчалари тарқатилиб, йил давомида ўзларига бериладиган иш ҳақи ва моддий техника ресурсларининг сарф-харажат ҳажми тўғрисида маълумотлар берилган. Шу билан бирга айрим хўжаликларда чек тизимини юритиш тартибига тўлиқ амал қилинмаётгани ҳам аниқланмоқда. Жумладан, Бахмал туманидаги "Қатортол" ширкат хўжалигида чек тизимининг юритилиши ўрганилганда, ширкат хўжалигида чек дафтарчалари пудратчиларга тўлиқ тарқатилмагани, иш ҳақи табели юритилиб, ведомост орқали берилганлиги маълум бўлгач, ширкат хўжалиги раиси бош ҳисобчиси ва бош иқтисодчисига огоҳлантириш берилди. Туман ҳокимлигига эса туман миқёсида ушбу камчиликларни тезда бартараф қилиш ҳамда қайта такрорламаслик чораларини кўриш юзасидан тақдимнома киритилди.

Вилоятда пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган туманларда 2001 йил ҳосили учун оила пудрати асосида шартномалар тузилиб тўлиқ рўйхатдан ўтказилган. Аммо айрим туманларда полиз ва сабзавотлар экинларига ички пудрат шартномалари тузилмагани ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида рўйхатдан ўтказилмагани ҳам маълум бўлди. Жумладан, Пахтакор туманида 2001 йил ҳосили учун ғалла бўйича 339 та, пахта бўйича 386 та хўжалик шартномаси тузилган. Туман бўйича 160 гектар ерга сабзавот, 160 гектар майдонга полиз экинлари экиш режалаштирилган бўлиб, бу экин турлари учун ички пудрат шартномалари тузилмаган ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан рўйхатдан ўтказилмаган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш ва қайта такрорламаслик юзасидан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимнома муҳокама этилиб, Пахтакор туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Саидқуловга интизомий жазо берилди.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан ширкат, фермер хўжаликлари ва пудратчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш борасида вилоят хўжалик суди ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судларига ўтган олти ой мобайнида 40 та даъво аризаси киритилди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Жиззах туманидаги "Норкўзи-ота" фермер хўжалиги "Жиззахун" жамоа корхонаси билан ғаллани тайёр маҳсулотга алмаштириш учун 2000 йил 5 июль куни шартнома тузиб, фермер хўжалиги 13,3 тонна ғалласини тайёр маҳсулотга (ун маҳсулотига) алмаштириш учун топширган. "Жиззахун" жамоа корхонаси 2000 йил 1 ноябрига қадар ғаллани тайёр маҳсулотга алмаштириш мажбуриятини олган бўлсада, 2001 йил 10 май кунигача қадар шартномавий мажбуриятини бажармаган. Ушбу ҳолат юзасидан Жиззах вилоят хўжалик судига фермер хўжалик манфаатини кўзлаб даъво аризаси киритилди. Судда даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди ва фермер хўжалигининг 13.3 тонна ғалласини тайёр маҳсулотга алмаштириб бериш ва фермер хўжалиги фойдасига "Жиззахун" жамоа корхонасидан шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги учун 169.100 сўм устама ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чақирилди.

Ушбу туманидаги "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги "Учтепа пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти ва "Жибри" қўшма корхонаси билан 2001 йил пахта ҳосилидан 12 тонна техник чигитни қайта ишлаш учун "Жибри" қўшма корхонасига бериш ва "Жибри" қўшма корхонаси эса ушбу чигитни қайта ишлашдан чиққан 1.200 кг пахта ёғини, 4.800 кг пахта кунжарасини ҳамда 3.600 кг шелуҳани ўз омборидан хўжаликка қайтариб бериш "тўғрисида 2001 йил 4 январь кунида 364-сонли уч томонлама шартнома тузган бўлиб, ушбу шартномага асосан "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги ва "Учтепа пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти 12 тонна техник чигитни "Жибри" қўшма корхонасига ўтказиб берган бўлиб, "Мусурмон-ота" фермер хўжалиги ўз ихтиёридаги 773 кг. пахта ёғи, 4.800 кг пахта кунжараси, 3.600 кг шелуҳани олган. Аммо "Жибри" қўшма корхонасининг ҳар хил важлар билан ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида фермер хўжалиги ўзига тегишли бўлган 427 кг. пахта ёғини ололмаган. Ушбу ҳолат юзасидан вилоят хўжалик суди фермер хўжалиги фойдасига ажрим чиқарди.

Ҳозирги пайтда вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан фермер хўжаликларига шартномавий муносабатлар бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва уларнинг ҳуқуқий онгини оширишда ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар бир туманда фермер хўжаликлари, ширкат хўжаликлари ва пудратчилар иштирокида семинар йиғилишлари ташкил этилиб борилмоқда.

Бу каби янгиликлар ижобий самара бермоқда. Энг муҳими, одамлар қонун асосида янгича ишлаш ва яшаш тарзини ўзлаштираяпти.

**Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи,**
**Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# “САРСОН ҚИЛАМАН, ҚАМАТАМАН”

***Норбек Ўриновнинг бошига ташвиш тушди. Яна кимсан, ўз ҳамқишлоғи унга тинчлик бермай куну тун таъқиб қилаверди. Уйида ҳам тинчлик йўқ. Хотин, бола-чақа — ҳаммаси безовта, хавотирда. Ёдгоров бўлса, тобора жаҳл отини қамчилайди. “Қани айтганимни қилмай кўр-чи”, — дея ўдағайлашини қўймайди.***

***Дарвоқе, Ўринов ундан нега қўрқади? Бирор айб иш қилиб қўйганми?***

***Аслини айтганда, дангал ушлаб оладиган айби йўқ. Лекин бенуқсонман дейиши ҳам қийин. Чунки Норбек Ўринов илгари Ш.Рашидов туманидаги “Истиқлол” деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасида бош муҳандис бўлиб ишлаган. Ҳозир вилоят техника назорати бўлимида. Ёдгоров “ўша пайтдаги ишларингни биламан, агар очсам, қамаласан”, дейди. Бор-йўғи шу, холос.***

***Ёдгоров қўрқитиш йўли билан товламачилик қилишини қўймади, Ўринов дангал бир фикрга келолмади. Охири ҳеч нарса ундиролмаган Ёдгоров Ўриновнинг эски ишлари юзасидан туман прокурорига хат ёзди. Шу хат асосида “Истиқлол”нинг масъул мансабдор шахслари устидан Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми “А” банди билан жиноят иши қўзғатилди.***

***Бу жиноий иш Эркин Ёдгоровни баттар ҳаволатиб юборди. У “ана кўрдингми, мен кимман,” — дегандек Норбек Ўриновга баттар зуғум ўтказишни давом эттирди. Охири улар юзма-юз бўлишди. Ёдгоров муддаога очиқ-ошкор кўчди:***

***- Менга 150 минг сўм пул берасан. Хўжаликдан ярим гектар ер олиб беришни ҳам унутма. Шундай қилсанг, прокурордан аризамни қайтариб оламан. Акс ҳолда, ўзингни қамоқда кўрасан!***

***Ўриновга осмон йироқ, ер қаттиқ бўлди. 150 минг сўмни бир амаллаб топиб берай деса, Ёдгоров яна ярим гектар ер ҳам сўраяпти. Уни қандай топиб беради? Раис бўлса, лоақал фермер бўлсаки, бу ерни “ма, тўй шунга” деб бериб қўяқолса...***

***Орадан кунлар, ойлар ўтди. Ёдгоров юмшамади, зуғумини тобора кучайтириб бораверди. Охири Ўриновнинг сабр косаси тўлди. У товламачининг устидан тегишли идораларга ариза ёзди.***

***Айтмоқчи, Эркин Ёдгоровнинг ўзи ким, касб – кори нима?***

***Буни айтишга ҳам тилинг бормайди. У муаллим. Ёш авлодни садоқат, диёнат, ҳалоллик руҳида тарбиялаши лозим бўлган киши. Шуни ҳам айтиш керакки, унинг товламачилиги, ўзгалар ризқига чанг солиши янгилик эмас. Масалан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 177-1-моддаси 3-қисми (эски таҳрирда) билан айбдор деб топилиб, Ш.Рашидов туман суди томонидан судланган.***

***Гапнинг қисқаси, бу гал товламачи Ёдгоров Ўриновдан 150 минг сўм пора пулни олаётганда қўлга тушди. Бу нопок қилмиши учун у қонун олдида жавоб берди. Бир сўз билан айтганда, қаматаман, дея ёқа йиртиб, охир-оқибат, ўзи қамалди.***

***Бу воқеани қаламга олишдан мақсад нима?***

***Албатта, ҳаётда онда-сонда бўлса-да, шундай қилдан қийиқ ахтарадиган, тақир ердан чанг чиқарадиган, бир сўз билан айтганда, нопок муддаоси йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кимсалар учраб туради.***

***Ўзингиз бир тасаввур қилинг! Ана шундай бир кимсанинг иғвоси туфайли ўнлаб кишиларнинг асаби бузилади, ҳаловати йўқолади.***

***Хўш, бундай асаббузарлик кимга керак? Бу умр ҳар биримизга эзгу ва савоб ишларга сарф қилиш, ўзимиздан яхши ном қолдириш учун берилган. Шунинг учун бу умр, ҳаётни қадрига етиш, бир-биримизни асраб-авайлаш, эъзозлаш, умуман айтганда, инсон деган улуғ номга муносиб яшаш ҳам қарз, ҳам фарз.***

**Файзулла БОТИРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Сирдарё вилояти**

*Ҳуқуқий маърифат*

# ҲУҚУҚ, ЭРКИНЛИК ВА БУРЧ

* *Ҳуқуқ нима?*
* *Эркинлик-чи?*
* *Бурч деганда нимани тушуниш керак?*
* *Булар ўртасидаги узвийлик нималарда намоён бўлади?*

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари кафолатланган, шу билан бирга, унинг бурчлари ҳам мустаҳкамланган. Ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлар фуқарога яшаш, фаолият кўрсатиш учун имкониятлар берса, бурчлар унга масъулият, вазифа ва мажбурият юклайди.

Конститутцияда, хусусан, унинг 24-42-моддаларида бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган бўлса, айтайлик, 47-моддада шундай дейилади: **“Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар”**.

Айнан ана шу ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар давлат, жамият билан фуқаролар ўртасидаги бевосита ва узвий боғлиқликни таъминлаб туради. Бошқача ифодалаганда, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиши ва бурчларини адо этиши бошқа фуқаролар, давлат ва жамиятнинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бурчлари масаласига узвий боғлиқликда қараш амалда қонуннинг устуворлиги, ижрода унга ҳурмат нуқтаи назари билан қараш заруратини назарда тутади.

Масалан, процессуал қонунчиликда фуқароларга нисбатан эркин ҳуқуқ тамойили билан бир қаторда, шу ҳуқуқларни асослаш, тасдиқлаш, исботлаш, баҳслашиш қоидасига риоя этиш имконияти ҳам белгиланган. Бу эса ҳуқуқ бор жойда бурч ҳам ёнма-ён туришини кўрсатади.

Улар ўртасидаги бирлик шахс, жамият ва давлат манфаатларининг узвийлигида намоён бўлади. Жамиятда шахснинг ўрни ҳам, аслида шу икки жиҳатга қараб белгиланади.

Конституция фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларидан тушунган ҳолда ва ихтиёрий фойдаланишини, шунингдек, бурчини ҳам шу қатъиятлар (принциплар) асосида амалга оширишини талаб этади.

Бурч нима ўзи?

Юридик тил билан айтганда, бурч — жамиятдаги шахслар учун бажарилиши мажбурий бўлган ёки бирон-бир ҳаракат қилишдан воз кечишни тақозо этадиган ҳуқуқий меъёрлар мажмуидан иборат. Аниқроғи, бурч — жамиятнинг (яъни бошқа фуқароларнинг), давлатнинг фуқаро олдига қўйган талабларини билдиради. Бу талаблар, биринчидан, жамият ва давлатнинг олдида турган вазифалар билан бевосита боғлиқ бўлади, иккинчидан, у ижтимоий заруратни акс эттиради.

Асосий бурч деганда Ўзбекистон давлати томонида белгиланиб, Конституцияда мустаҳкамланган, ҳар бир фуқаро бажариши зарур бўлган, бажармаслик эса жавобгарликка олиб келадиган хатти-ҳаракатлар ва яшаш тарзи билан боғлиқ қоидаларни тушунамиз. Бу бурчлар Конституцияда ва унга мувофиқ равишда қабул қилинган қонунларда белгиланади.

Мисол учун, Конституциянинг 2-моддасида давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулияти таъкидланган бўлса, 48-моддада фуқаролар зиммасига Конституция ва амалдаги қонунларга риоя қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти юкланади. Демак, бурч фақат фуқаро билан давлат ва жамият ўртасидагина эмас, фуқаро билан фуқаро ўртасидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Ҳатто фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган, унинг обрўйига путур етказадиган ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракат учун айбдор шахсни жавобгарликка тортиш қонунда белгиланган.

Конституциянинг 49-моддасида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбур эканликлари, маданият ёдгорликлари бизда давлат муҳофазасида эканлиги қайд этилган. 50-моддада эса фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурликлари айтилган.

Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи сифатида кўрсатилган.

Фуқаролар бурчлари Конституциянинг “Оила” бобида ҳам қайд этилган. 64-моддада: **“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”**, деб ёзилган бўлса, 66-модда вояга етган, меҳнатга лаёқатли ҳар бир фарзандни ўз ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилишга ундайди.

Кўриниб турибдики, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, бурчларини белгилашда ҳам умуминсонийликка, ҳам чуқур миллийликка амал қилинган.

Буларнинг бари фуқарога шахс сифатида юксак масъулият юклайди.

**Ботир ЮНУСОВ,**
**Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси катта маслаҳатчиси**

*Жаҳон тажрибаси*

# ВОРИСЛИК МЕЗОНИ

Хорижий давлатлар қонунчилигида ворислик ҳуқуқига фуқаролик ҳуқуқининг асосий тармоқларидан бири сифатида қаралиб, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Шу маънода айтиш керакки, хорижий давлатларнинг етук ҳуқуқшунослари ворислик ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқи институтларидан бири, деб эътироф этишади. Бунга асосан эса вафот этган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар мажмуи назарда тутилади.

Агар хорижий давлатларнинг қонунчилигига назар ташласак, сўнги ўн йиллар ичида ўзидан кейин қолган турмуш ўртоғининг, боқиб олган ва никоҳдан ташқари болаларининг, қонун бўйича меросхўрларнинг ҳуқуқ доирасини кенгайтириш бўйича қонунда ўзгартиришлар киритилганини кўрамиз.

Бу ўзгартиришларнинг барчаси ўз навбатида ворислик ҳуқуқи доирасини кенгайтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ворислик ҳуқуқи кўриб чиқилаётган кўплаб мамлакатларнинг ҳуқуқ меъёри жиҳатидан бир-бирига тўғри келмайди, балки улар ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Масалан, Европа давлатларида ворислик – вафот этган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бевосита меросхўрларга ўтиши ҳар жиҳатдан қонуний деб қаралади. Англия ва АҚШда эса мерос қолдирувчиларнинг мулкига биринчи навбатда ишончномавий мулк сифатида қаралади, унинг эгаси вафотидан сўнг мулк унинг “шахсий вакилига” берилади, ундан қолган қисми эса меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Европа давлатларида ворислик ҳуқуқини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ҳар бир давлатнинг фуқаролик кодексининг таркибида жисмоний шахслар ҳуқуқи ва оилавий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи нормалардан сўнг ўрин олган.

Масалан, Францияда ворислик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи (нормалар) меъёрлар фуқаролик Кодексининг III китобининг “Ворислик тўғрисида”ги бўлими 532-546 бобларида ифодалаб берилган.

Германия қонунчилигидаги ворислик ҳуқуқи фуқаролик Кодексининг V-китобида ўз ифодасини топган.

Англияда эса ворислик ҳуқуқи 1837 йилда қабул қилинган “Васиятлар тўғрисида”, 1925 йилдаги “Меросларни маъмурий бошқариш тўғрисида”ги, 1952 йилдаги “Васият қолдирмаган шахсларнинг мероси тўғрисида”ги қонунларда ўзининг аниқ ифодасини топади.

АҚШда эса ворислик тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш алоҳида штатларнинг ваколатларига киритилган. Бу турдаги қонунларнинг кўпчилиги, яъни Вирджиния, Род-Айленд, Тенесси, Жанубий Королина ва бошқа штатларда ворислик тўғрисидаги қонунлар умумий қонунлар мужмуидан ўрин олган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнгги йилларда аксарият Ғарб давлатларининг ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчиликка боқиб олинган ва никоҳдан ташқари туғилган болаларнинг ворислик ҳуқуқи доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Бунинг натижасида боқиб олинган болаларнинг ворислик ҳуқуқлари қонуний туғилган болаларнинг ҳуқуқлари билан тенглаштирилди.

Бундай қонунлар қаторига Францияда (1966 йил 11 июл), ГФРда (1977 йил 2 июл), Швейцарияда (1972 йил 30 июн), Англияда (1958 йил) ва АҚШнинг айрим штатларидаги қабул қилинган қонунларни келтириб ўтиш мумкин.

Ушбу қонунлар бўйича ворислик ҳуқуқига эга бўлиш учун никоҳдан ташқари туғилган боланинг ота-онаси томонидан тан олиниши ёки суд қарорига кўра болани кимдан туғилганини аниқлаш шарт.

Ғарбий Европа давлатлари қонунчилигида бу борадаги ўзгаришлар кўп жиҳатидан Европа жамоаси доирасида “Болалар боқиб олиш тўғрисида”ги 1967 йил 24 апрел Конвенцияси ва “Никоҳдан ташқари туғилган болаларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги 1975 йил 15 сентябр Конвенциясини қабул қилиниши билан боғлиқдир.

Хорижий давлатларда ворислик ҳуқуқи ҳақида фикр юритганда, яна шуни айтиш керакки, баъзи бир қонунлар турмуш ўртоғи вафот этган шахсларнинг ворислик ҳуқуқларини кенгайтиришга хизат қилади. Булар қаторига биринчи навбатда, турмушга чиққан аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш лозимлиги қайд этилади.

Шу билан бирга қатор хорижий давлатлар қонунчилигида бугунги кунда ҳам турмуш ўртоғи вафот этган шахслар аксарият ҳолларда мулк эгаси ҳуқуқларига эга бўлмай, меросхўрлар тоифасига киради ва мероснинг бир қисмига эга бўладилар.

Аммо Англия қонунчилигида қадимдан турмуш ўртоғи вафот этган шахсларга устунлик бериб келинаётганига қарамай, 1975 йилда “Ворислик тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра турмуш ўртоғи вафот этган шахснинг меросга тааллуқли мулк ҳисобидан оқилона молиявий таъминот олиш борасидаги имкониятлар янада кенгайтирилди.

Кези келганда яна шуни айтиш жоизки, кейинги йилларда хорижий давлатларда ворислик муносабатларида айрим масалаларни тартибга солиш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Масалан, Францияда 1976 йил 31 декабрда қабул қилинган “Мерос мулкини тенглаштириб турувчи” қонун, 1969 йил 28 августда ГФРда қабул қилинган “Васият фармойишларини расмийлаштириш бўйича бир қатор масалаларга дахлдор” қонунларни келтириб ўтиш ўринлидир.

Умуман айтганда, хорижий давлатлар қонунчилик мажмуида ворислик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг муҳим тармоғи сифатида катта аҳамиятга эгадир. Зеро, ворислик ҳуқуқи ҳар бир давлат фуқаросининг меросхўрлик манфаатларини тўла кафолатлайди.

**Саломат НИЁЗОВА,**
**ТошДЮИ ўқитувчиси**




## Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

# ПЕНСИЯ ОЛОЛАМАНМИ?

***Тиббиёт техникумини тамомлаб, 1982 йилдан 1996 йилгача қишлоқ шифохонасида ишладим. Шундан сўнг “Аллергияли дамқисма” касаллигига йўлиқиб қолдим. Дори ҳиди димоғимга урилгани заҳоти аллергия хуруж қилгани боис севимли соҳамдан ажралишга мажбур бўлдим. Беш йилдан буён хўжаликда ишчи бўлиб ишлаяпман.***

***Касб касаллиги туфайли ишимдан бўшаганим учун ногиронлик пенсиясини олишим мумкинми?***

**Шодиёр РАСУЛОВ,**
**Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги ибн Сино номидаги ширкат хўжалиги**

Конституциямизнинг 39-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Бош Қомусимизга мувофиқ тарзда қабул қилинган қонунлар, кодекслар ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда ҳам фуқароларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари кафолатланган.

Жумладан, Меҳнат кодексида, 1993 йилда қабул қилинган **“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминот тўғрисида”**ги қонунда, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги **“Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисида”**ги қарорида ва 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 6-иловада касб касалликлари рўйхати берилган.

Бундан ташқари, қонунда белгиланганидек, касб касаллиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан аниқланиши керак.

Агар сиз ТМЭК томонидан ҳақиқатдан ҳам, касб касаллигига чалинган деб топилган бўлсангиз, санаб ўтилган қонунларга мувофиқ ногиронлик нафақасини олишга ҳақлисиз.

Қўшимча сифатида яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ногиронлик нафақасини олиш борасида низоли масалалар вужудга келса, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишингиз мумкин.

# Табиатнинг юрак қалъаси



Абдулғани ЖУМАЕВ олган сурат

# “ЎЗ УЙИМГА КИРОЛМАЙМАНМИ?”

1998 йили фермер хўжалиги ташкил этдим. Хўжалик ери уйимиздан олисда бўлганлиги учун яшаб турган уйимни сотиб, қўшни “Андижон” жамоа хўжалиги ҳудудидан ҳовли сотиб олдим. Уй таъмирлашга муҳтож бўлгани сабабли енгил-елпи кўчиб келиб, ишни бошлаб юбордим. Бир куни ҳеч ким йўқ пайтида ҳе йўқ, бе йўқ, Рухсатой Муродқосимова деган аёл 4 нафар фарзанди билан уйга кириб олибди. Суриштирсам, у уйни менга сотган Қ.Тошпўлатовнинг собиқ хотини экан. Тушунтиришлар наф бермагач, аёлни судга бердим. Дўстлик туманлараро фуқаролик суди мазкур можаро билан боғлиқ ишни ўрганиб, Муродқосимовани мажбурий кўчириш ҳақида қарор чиқарди. Аммо у уйни бўшатишдан бош тортиб, унга ўт қўйиб юборди. Ёнғин чоғида ҳовлининг бир қисми ва оғилхона тўлиқ ёниб кетди. Ёнғинни ўчирмоқчи бўлган кишиларга Рухсатой Муродқосимова қаршилик кўрсатиб, ўчиришга йўл қўймаган. Бу ҳақда далолатнома тузилиб, Арнасой туман ички ишлар бўлимига топширилган ва мазкур воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилган. Бироқ туман фуқаролик суди Рухсатой Муродқосимова томонидан келтирилган моддий зарарни ундириш ҳақидаги менинг даъвомни ҳеч бир асоссиз рад этган ҳолда қарор чиқарди. Суд пайтида уйнинг собиқ эгаси Қ.Тошпўлатов хотини Р.Муродқосимова билан 1989 йилда суд орқали ажрашганини, суд ҳукмига кўра собиқ хотини ва фарзандларини уй билан таъминлаганини, мазкур ҳовли улар ажрашгандан сўнг олингани ҳақида гувоҳлик берди.




Р.Муродқосимова вилоят судига апелляция шикояти ёзгач, вилоят фуқаролик суди туман суди қарорини ўз кучида қолдирди. Шундай бўлса-да, шу пайтгача на суд ижрочилари, на милиция ходимлари бу аёлни уйдан чиқара олмаяпти. Хуллас, ўз қонуний мулким бўлган уйимга киролмай, қарийб олти ойдан буён кўчада сарсонман. Бирон нима десак, Рухсатой Муродқосимова ўзимга ўт қўяман, деб қўрқитгани-қўрқитган. Наҳотки, ўз уйимга киролмасам?

**Зоир УМИРОВ,**
**Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги “Бўта полвон” фермер хўжалиги раиси**

**Таҳририятдан:**
**Зоир Умировнинг ёзганлари кишини ўйга толдиради. Аммо бу — бир томоннинг фикри эканини унутмаслигимиз керак. Шундай экан, биз иккинчи томон — мутасадди идораларнинг жавобини кутамиз.**

*Адлия тизими*

# ХОРАЗМ

***Жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллашуви нотариал ҳаракатлар кўлами ва сифатига самарали таъсир кўрсатаяпти.***

***Вилоятдаги 15 та нотариал идора ўтган саккиз ой мобайнида 28 минг 848 та ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб берди. Аҳолига кўрсатилган нотариал хизматлар қиймати 105 миллион 277 минг сўмни ташкил этди. Бу — давлатмиз ғазнаси ана шунча миқдордаги пул маблағлари билан бойиди, демак. Бунинг 14 миллион 321 минг сўми август ойи улушига тўғри келади. Шу ой мобайнида 3,5 мингга яқин турли нотариал ҳаракатлар амалга оширилди.***

***Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 2 та хусусий нотариуслар палатасининг бири Хоравмда ишлаб турибди. Мазкур палатага жамланган 10 нафар хусусий нотариуснинг саъй-ҳаракати туфайли ўтган саккиз ой ичида халқимизнинг умум ғазнаси-бюджет заҳирасига 68 миллион 720 минг сўм миқдорида пул тушиши таъминланди. Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар сони 11 мингга етди.***

***Вилоятда оилалар умрибоқийлигини таъминлаш соҳасидаги ишлар ҳам эътиборга молик. Чунончи, ўтган саккиз ой давомида ёлғиз оналар ҳамда оталикни белгилаш ҳолларини бир мунча (75 тага) камайтириш, оилавий ажралишлар кўламини эса ишончли тарзда жиловлашга муваффақ бўлинди. Йилнинг ўтган даврида янгидан 6513 та оила таркиб топди. Гарчи никоҳлар сони ўтган йилнинг шу давридагидан 226 тага камайган эса-да, туғилган фарзандлар сони 863 нафарга ортди.***

# ДАВОЛАНМОҚЧИМИСИЗ? ТЎШАГИНГИЗ БИЛАН КЕЛИНГ!

Қизилқум — чорвачилик учун ғоят қулай маскан. Шу боис бепоён чўлу қирадирларда чўпон-чўлиқларнинг ўтови бисёр. Улар ёзнинг жазирама иссиғи-ю, қишнинг қаҳратон совуғига қарамай, эл дастурхонига чорвачилик маҳсулотларини етказиш билан машғул. Халқ орасида чорвачилик машаққатларига молнинг туёғидан ҳам қаттиқ ва чидамли бўлган одамгина дош беради, деган гап юради. Яқинда ана шундай оғир ва фидойи касб эгаларининг ҳолидан хабарлашиш мақсадида Қизилқумда бўлдик ва у ерда чорвадорларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқдик.

Учқудуқ тумани хўжаликларида бўлганимизда чўпон-чўлиқлар қишлоқ врачлик шифохоналарининг аҳволидан нолиб гапиришди. Хусусан, “Жудқудуқ” қоракўлчилик ширкат хўжалиги чўпони Олимбой Қувонбоев қуйидаги фикрларини айтди:

— Туман марказидан 70-80 чақирим олисда яшаймиз. Мавсумга қараб, йилига 2-3 маротаба кўчиб-қўнамиз. Чўпон оиласи касал бўлмасин экан. Агар оғир касал бўлиб қолсак, шифокорларнинг етиб келиши қийин. Чўлда яшаётган чўпон учун энг ёмони шу!

— Касалхонагача боришга техника йўқ, — дея ҳамкасбининг сўзини қувватлайди Тожимурод Каренов.

Шифохонага борганимизда чўпонларнинг ҳақлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Касалхонанинг хўжалик марказидан олисдаги фермаларида бешта фельдшерлик пункти мавжуд бўлиб, унда ўн икки нафар ҳамшира, жойлардаги пунктларида эса 17 нафар тиббиёт ходими хизмат кўрсатар экан. Шифохонада кейинги йилларда аҳолига хизмат кўрсатиш ночор аҳволга тушиб қолган. Поликлиника, дорихона, ошхона қаровсиз ҳолда. Бу бинолардан кўп йиллардан буён фойдаланилмаган. Бино таъмирга муҳтож. Пол, эшик-деразалар анчадан бери бўялмаган. Хоналар гигиеник талабларга жавоб бермайди. Деворлар оқланмаган, шувоқлари кўчиб кетган. Оналар, ёш болалар ётиб даволанаётган хоналар яхши ёритилмайди.

Уч минг нафардан кўпроқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш лозим бўлган шифохонанинг бундай аҳволга тушиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Қишлоқ шифохонаси бош врачи Э. Қўсмонов билан суҳбатлашганимизда, у қуйидаги фикрларни билдирди:

— Шифохонамиз бундан анча йил илгари қад ростлаган. Ҳар йили бинони ўз кучимиз билан имкони борича таъмирлаймиз. Лекин бу талабга жавоб бермайди. Бу йил ҳам таъмирлаш ишларини амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз. Туман марказий касалхонаси раҳбарияти 200 килограмм оҳак, 50 килограмм бўёқ беришни ваъда қилган. Бу ҳам ҳали аниқ эмас. Вилоят, туман марказларига бориб-келиш осон эмас. Шифохонамизда, фельдшерлик пунктларимизда беморларнинг ётиб даволанишини 50 фоизга қисқартириб, уларни кундузги стационарга ўтказмоқчимиз.

Бош врачнинг айтганича бор. Қизилқумда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Соғлиқ ҳақида гап кетганда, шифохонами, ё бошқа нарса, қабилидаги сўроқларга қачон жавоб топишар экан? Бунга Учқудуқ туманининг мутасадди раҳбарлари муносабат билдиради, деб умид қиламиз.

**Ё. УМАРОВ,**
**журналист,**
**Навоий вилояти**

*Фармон ва ижро*

# ОЗОДЛИК НАШИДАСИ

Жазони ижро этиш муассасасига борган куним Президентимиз Фармонига асосан бир неча маҳкум авф этилиб, озодликка чиқаётган экан.

Муассаса раҳбари, ички хизмат офицери Адиз Мардонов ҳамда ЖИЭМларда қонунлар ижроси устидан назорат бўйича прокурор Келдибой Жусинбековлар ҳамкорлигида муассаси ҳовлисини кўздан кечириб, маҳкумларга яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Яқинда бу ерда бир неча хонали учрашув мажмуаси, 4 минг ўринли ёзги театр биноси фойдаланишга топширилибди. Маҳкумлар яшайдиган бинолар қайта таъмирланган. Муассаса ҳовлиси ва йўлаклар озода. Тартиб-қоида учун ҳамма жавобгар.

— Ҳозир мана бу кишилар уйларига кетишади, — деди Адиз Мардонов саф тортиб турган, маҳкумларни кўрсатиб, — Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармони асосида бу йил муассасамиздан бир қанча киши озодликка чиқади. Бир ярим минг нафар маҳкумнинг ўталмай қолган жазо муддатлари сезиларли даражада қисқаради. Аввало ногирон, вояга етмаган ҳамда қариялар авф этиляпти.

Суҳбатимизга Келдибой Жусинбеков қўшилди: — Юртбошимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармони ўз айбига иқрор, қилмишларидан астойдил пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган шахсларни авф этди. Яна бир қувонарли томони шундаки, жазони ўташ жойидан озод бўлган шахслар учун шаҳар ва туманлардаги ижтимоий кўникма марказлари орқали касби-корига қараб иш масалалари ҳам ечимини топган.

Муассаса радиокарнайлари орқали бугун озод этилаётган шахсларнинг номлари бирма-бир ўқилди. Шу дақиқадаги қувончларни таърифлаб бўлармиди? Ҳамма бир-бирларини бағрига босар, янги ҳаётга оқ йўл тилашарди. Сафдагилар бирин-кетин ташқарига — озодликка чиқишди. Уларни кутиб турган ота-оналар, қавму-қариндошлар болаларини, ёру-биродарларини қучоқ очиб бағрига олишди. Ҳамма хурсанд.

Биз ҳам озодлик нашидасини сураётган, темир панжара ортида ўтириб, қилган айблари учун жазосини олган, бундан кейин фақат Ватани, халқи ва оиласи учун меҳнат қилишга ваъда бераётган инсонларни табрикладик. Уларнинг сўзларини тингладик.

— Ёшим олтмишдан ошди, — дея сўз бошлади Сувон Маматқулов, — Жиззах шаҳриданман. Жиноят кодексининг 210-модда 1-қисми билан беш йилга озодликдан маҳрум этилгандим. Шунинг икки йилини ҳибсда ўтказдим. Хатоимга яраша жазомни олдим. Бундан кейин ҳалол меҳнат билан топилган луқмани еганга не етсин!

— Асли касбим шофёрлик, — дея суҳбатимизга қўшилди тошкентлик Низомий Алиев, — арзимаган бойлик деб ўғриликка қўл урибман-а! Уч ярим йилга қамалдим. Мана, 9 ойдан сўнг Амнистия туфайли очиққа чиқдим. Бола-чақамнинг ёнига боргач, шофёрлик касбимда тинчгина ишлаб, Ватанимга хизмат қиламан, деган ниятдаман.

Шу пайт ўғлини бағрига босиб, кўз ёш қилаётган, фақат Президентни алқаётган қария эътиборимни беихтиёр ўзига жалб этди. Шевасидан хоразмлик эканлиги шундоққина билиниб турган ёшулли ўзини урганчлик Қуролбой Ўрозов дея таништирди:

— Мақсуджонни кўргани келгандик. Қарангки, хурсандчиликка хурсандчилик қўшилди. Юртбошимиз боламизнинг хатосини кечирибди. Ўғлим Амнистияга тушибди. Ўғрилик қилиб жазосини олди. Минг марта пушаймон бўлди. Мен, оилам, қариндошларим ўла-ўлгунча Президентимиздан миннатдормиз. Мана нафақага чиққанимга икки йил бўлди. Ҳаётимда бунақа одил, инсонпарвар давлат раҳбарини кўрмаганман. Илоҳим, Юртбошимизнинг бошлари омон бўлсин!

— Тақдир тақозоси билан бир йилу уч ой қамоқда ётдим, — деди тошкентлик Шерзод Жўраев, — тушунмай қилган ўғирлигим туфайли беш йилга қамалдим. 19 ёшдаман. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошимдан кечирдим. Уйимга бориб, ота-онамнинг айтганидан чиқмайман. Халқимга нафим тегадиган одам бўлишга аҳд қилдим.

— Мени кўриб, ота-онамнинг қанчалик хурсанд бўлишини тасаввур ҳам қилолмайман, — дея ҳамшаҳарининг сўзини бўлди Шамсиддин Исломов. — Чунки қамоқдан чиққанимни улар билишмайди. Озодлик не эканлигини фақат турмахонада ётганимда ҳис этдим.

Озодлик нашидаси!

Уни қамоқда ўтирганлардан сўранг. Амнистия туфайли уйларига шошилаётган инсонларнинг чеҳраларидаги табассумни кўриб, озод ҳаётнинг нечоғлик тотли эканлигини теран ҳис этасан, киши. Ким билан суҳбатлашманг, барчанинг дилида-ю, тилида "Президентимизга раҳмат! ", "Юртбошимиз соғ бўлсин", "Ислом Каримовнинг ишончини оқлаймиз!" — деган сўзлар жаранглаётган эди.

**Ёрқул УМАРОВ,**
**журналист**





*Биз — табиат фарзандимиз!*

*Жиноятга жазо муқаррар!*

# ҚАЛТИС ҚАДАМ ҚУРБОНЛАРИ

Истироҳат боғидаги дискотекага келган уч оғайни — Маҳмуд, Темур ва Томас Маҳмуднинг таниши Е. Г.ни учратишди. Қисқача танишувдан сўнг роса ўйинга тушишди. Қизнинг нафис ҳаракатлари, хаёлни ўғирловчи нигоҳлари йигитларда ҳирс уйғотди. Ўйин тугагач, улар кўчага чиқишди. Бу орада уларнинг сафига Маҳмуднинг таниши бўлган Ислом ҳам келиб қўшилди. Бешавлон йўлга тушишди.

Кўзи ҳирс билан ёнаётган Маҳмуд мактаб ҳовлисига келганларида қизга қабиҳ ниятини ошкор этди. Аммо қиз бокиралигини айтиб, унинг таклифини рад қилди ва йигитларнинг орасидан қандай қилиб қочишни ўйлай бошлади. Бироқ миясида минг хил ҳийла чарх урса-да, Е. ҳирси уйғонган йигитлар чангалидан қутула олмади. Улар қизни мактаб ҳовлисига олиб киришиб, мажбурий равишда зўрлашди.

Ҳирсларини қондириб бўлишгач, "улушини олмаган" Томас қизга якшанба куни кечқурун шу ерга келишини тайинлади. Йигитлар қизни обдон қўрқитишгандан сўнг қўйиб юборишди. Тонг саҳар уйга кириб келган "қиз" бувисидан бемаҳал юргани учун қаттиқ дакки эшитди. Эртасига коллежга ўқишга бориб ҳам ғамгин юрди. Томас белгилаган якшанбадаги учрашувни эслаб, юраги орқасига тортди. Охири бўлган воқеани ва Томаснинг таклифини дугонасига гапириб берди. Дугонаси унга тегишли жойга зудлик билан мурожаат қилишни маслаҳат берди. Шундан сўнг Е. аччиқ қисматини оқ қоғозга баён этиб, айбдорларга чора кўришни сўраб, шаҳар прокурори номига ариза ёзди. Прокурор ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғади. Жиноятчилар қўлга олиниб, айблари очиб ташланди.

Уларнинг қилмиши яқинда судда кўриб чиқилди.

Суд Маҳмуд Алиев ва Ислом Файзовни Жиноят кодексининг 118-моддаси 3-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, уларга ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Шу тариқа ўйламай босилган қалтис қадамнинг оқибатида беш инсоннинг пешонасига қора тамға босилди. Йигитлик ғурурини ерга топтаб, шаҳвоний ҳирсга қул бўлган ўсмирлар ажойиб ёшлик чоғларини панжара ортида ўтказишга маҳкум этилди. Муқаддам бирон бир фойдали иш билан шуғулланмаган, ўқишу ишлаш ўрнига кўча-кўйда бекордан-бекор кезиб юриш, енгилтаклик уларни шу аҳволга солди.

18 ёшга тўлган Маҳмуд Алиев 2000 йилнинг 18 сентябрида Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани суди ҳукми билан Жиноят кодексининг 169-модда, 3-қисми "в" ва "г" бандлари билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 октябрдаги "Авф тўғрисида"ги Фармонига асосан тайинланган жазодан озод этилган эди. Афсуски, билагида кучи тўлиб-тошган, туппа-тузук, эсли-ҳушли йигит қонуний чорадан, қолаверса, ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигидан тегишли хулоса чиқармади. Натижада яна қайта жиноятга қўл урди.

Ушбу жиноий иш тафсилотини баён этишдан мақсад шуки, ҳаёт бўсағасида турган ёшлар ўз тақдирларига енгилтаклик билан қарамасин, бу каби воқеалардан хулоса чиқаришсин! Қолаверса, ота-оналар, маҳалла-кўй ҳар бир ҳодисага ҳушёр кўз билан боқсин. Чунки баён этилган ҳодиса лоқайдлик, енгилтаклик, тарбиясизлик оқибатида содир бўлди. Шу боис ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашмоғи, уларнинг онгини заҳарловчи, тубанликка етакловчи ҳар қандай ҳолатларга қарши муросасиз бўлмоғимиз лозим.

**Абдумалик ИРИСАЛИЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Ангрен шаҳар**
**суди раиси**

*Оталар дейдики:*

**Фан Ватаннинг энг кичик қиёфаси бўлмоғи зарур. Зотан, барча халқлар ичида фикр ва ақлий фаолият соҳасида бошқалардан ўзиб кетган халқгина биринчи ўринни олади.**

*Таҳрирсиз мактуб*

# НАФС ҚУТҚУСИГА АЛДАНМАНГ!

Нафс домида алданиб, умрини беҳуда нарсаларга сарфлаб юрган киши ҳаётда ҳақиқий бахт-саодат, ҳақиқат нашъаси қандай эканлигини ҳам ҳис қилолмайди. Ёш ўтган сари буни чуқурроқ англар экансан.

1996 йили жияним Мадмаров Валижонга ҳовлимни шартли равишда 200 минг сўмга сотган эдим. Жияним уйни 3-синфда ўқиб юрган ўғлига олганини, у то вояга етгунича менинг бу ерда яшайверишимни айтган эди. Унинг ваъдаларига ишониб нотариал идорада ҳужжатларни расмийлаштириш чоғида шартномага уйнинг пулини накд олдим, деб имзо қўйиб берганман. Яқин қариндош бўлганлигимиз учун уйнинг пулини 3-4 ой ичида, бўлиб-бўлиб беришига рози бўлган эдим. Аммо жияним 2 йил ичида бор-йўғи 110 минг сўмини берди, холос. 1998 йилнинг сентябр ойида опам, жияним ва унинг хотинига қолган пулни беринглар деб айтдим. Улар ваъда беришди. Орадан 1,5-2-ой ўтар-ўтмас опам тўсатдан вафот этди. Шундан сўнг машмаша бошланди. Жияним менга уйни бўшатасан, деган талаб қўйди. Мен унга ҳали уйнинг пулини тўлиқ берганинг йўқ, қолаверса, 10 йил давомида яшаб туришга келишганмиз-ку, деб айтдим. У эса ҳамма пулни берганини, уй уники эканини айтиб, мени бу ердан ҳайдамоқчи.

Пайғамбаримиз "Кишиларнинг энг яхшиси бир-бирига меҳр-муҳаббатли бўлганидир", "Тилидан ва қўлидан озор етказмайдиган киши ҳақиқий мусулмондир", деган эканлар. Афсус, ҳозирги пайтда пулни деб бир-биримизга озгина бағрикенглик қилолмаётганимиз дилимга оғриқ беради. Бегона эмас, бойлик илинжида, сохта йўллар билан пул топиш ниятида юрган ўз жияним менга адолатсизлик қилди. Хўш, энди мен додимни кимга айтай? Касал ҳолимда қаёққа бош ураман?

Адолат курашчилари, қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқшунослар ўқийдиган газета деб "Инсон ва қонун"га дардларимни ёзиб юбордим. Менга — қариганда оқибатсиз жигарлари туфайли ноҳақликка дучор бўлган бир қарияга ёрдам беринг!

**Раҳматилла АҲМЕДОВ,**
**пенсионер.**
**Тўйтепа шаҳри**

*БУ АЖИБ ДУНЁ*

## РЕСТОРАНГА ... МАШИНА БИЛАН

Йоханнесбург шаҳрининг (АҚШ) фуқароси ўз машинаси билан ресторанга... кириб борди, бу вақтда тушлик вақти бўлиб, хўрандалар кўп эди.

Миршабларнинг айтишича, ушбу ходиса натижасида 11 киши яраланган, улардан олти нафари анча оғир аҳволда бўлиб, уч нафари болалардир. Ҳодиса сабабчиси 38 ёшли аёл бўлиб, хўрандалар орасида унинг рақиблари йўқ эди.

Унинг ўзи ҳам тиззасидан яраланиб, касалхонага ётқизилди. Полициячиларнинг фикрича, аёл-ҳайдовчи ўнг томонга тўсатдан буриламан, деб машина бошқарувини эплолмаган ва ресторан ичига кириб кетган.

## ЧАЁНЛАР МАЛИКАСИ

Малайзия фуқароси Малена Ҳассан 2700 та чаён билан 30 кун ойнаванд хонада бирга бўлиб, "Чаёнлар маликаси" унвонини олишга муяссар бўлди.

Малена Келантан округига қарашли музейдаги 12 метрли ойнаванд хонага 1 июлда кириб олди. Аввал у икки мингта чаён билан яшади, лекин булар камлик қилди шекилли, унинг талабига биноан хонага яна 700 та чаённи қўйиб юборишди.

Довюрак Малена 30 кун чаёнлар билан бирга бўлиш ва жаҳон рекорди ўрнатишни ваъда қилган эди. У ҳамманинг кўз олдида шу хонада овқатланди, ухлади ва беш вақт намозини канда қилмади. Ҳар куни Малена зарурат учун фақат 15 дақиқага "уйи"ни тарк этарди. 30 кун ичида уни етти мартагина чаён чақди, шундан иккитаси қаттиқ оғриқ берди. Эндиликда Маленанинг номи Малайзия рекордлар китобига ёзилган. "Тажрибани муваффақиятли тугатганимдан мамнунман. Лекин қадрдон чаёнларимни соғиниб қоляпман, - дейди Малена. – Чаёнлар одамга ўргана бошлагандан кейин улар билан оғайни бўлиб кетади киши".

Чаёнлар маликаси озроқ дам олгач, шундай тажрибани заҳарли илонлар билан ҳам ўтказмоқчи.

## ГАРОВДА ЮТАМАН ДЕБ...

Литвалик 34 ёшли Аугустинас Гревис гаров бойлашиб, бир литрли идишдаги 50 даражали қўлбола арақ (самогон)ни ичиб юбориб ва мамнун жилмайиб, бандаликни бажо келтирди.

"Мусобақа"ни маҳаллий Кретингс тумани тадбиркори Зенонас Визгирдас уюштирган эди. У ҳамқишлоқларига хонаки тайёрланган 1 литр ўткир ичимликни ким биринчи бўлиб ичса, 5 АҚШ доллари беришга ваъда қилди. Аугустинасга "рекорд" учун 10 дақиқа кифоя қилди. У қўлларини ғолибона кўтаришга улгурди ва кесилган дарахт каби гурсиллаб йиқилди. Икки дақиқадан сўнг эса жони узилди. Шифокорлар "ичимликдан заҳарланган" деб хулоса беришди.

Фожиали мусобақанинг бошқа икки қатнашчиси табобатчиларнинг астойдил муолажалари туфайли омон қолди. Мусобақа ташкилотчисини полиция бир неча кундан буён муваффақиятсиз қидирмоқда. Барибир унинг виждони қийналаётгани маълум бўлди: Зенонас ўз аёли орқали "рекордчи"ни кўмиш маросимига 125 доллар бериб юборди.

*Жиноят ва жазо*

# ТИЛЛА СИРҒА...

Райҳон Ҳусанова 27 баҳорни қаршилаб қолди. Бошқа-чароқ айтадиган бўлсак, ёшликнинг ҳам айни қизиган палласи ўтиб бормоқда. Бу орада фарзандли бўлди. Ўтган йили талончилик, жиноят иш қилганлиги учун 2 йил синов муддати билан жазога ҳам гирифтор бўлган эди. Аммо...

Қўнимни йўқнинг унуми бўлмас экан. У ўзига берилган жазодан тўғри хулоса чиқармади. Оғир бўлса остидан, енгил бўлса устидан юришни ўзига одат қилиб олган Райҳон яна қинғир ишлар гирдобига тушди.

... Қишнинг охирги кунлари тез-тез бўлиб турадиган "афғон" шамолининг изғиринли дамлари эди. Райҳон талон-тарожлик билан пул топиш ниятида ат-Термизий номидаги кўчада изғиб юрди. Тўғрироғи, биронта йўловчининг тилла сирғаси ёки бўйнидаги занжирини тортиб олишдек қора ниятни кўнглига тугиб, тушга қадар йўл пойлаб ўтирди. Ниҳоят, шу кўчани кесиб ўтаётган вояга етмаган Шаҳло Шаймардоновага кўзи тушиши билан "ови" бароридан келишига ишонганича қизалоқнинг ёнида осмондан тушгандай пайдо бўлди:

- Тилла сирғангни яхшилик билан ечиб бер! — дея дағдаға қилди Райҳон. Куппа-кундуз ўзига тажавуз қилаётган аёлнинг дўқларидан гарангсираб қолган Шаҳло:

- Вой, опажон, мен сизга нима ёмонлик қилдим?! Нега энди сирғамни берар эканман, — деди ҳайратомуз.

- Гапни чўзма, — деди Райҳон қўлини унинг қулоқларидаги тилла сирғага чўзганича, - агар бақирсанг шу ерда ўлдираман.

Кутилмаган манзарадан Шаҳлонинг ранги оқариб кетди ва қулоқларидаги сирғаларни унга ечиб берди.

- Туя кўрдингми – йўқ, Тушунгдинг-а?! - дея сирғани олган Райҳон бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Мактабдан хомуш қайтган Шаҳлонинг аяси Зубайда опа қарши олди.

- Ҳа, қизим, тинчликми? Ранг-рўйинг оқариб кетган. Нима бўлди, биронтаси билан айтишиб қолдингми? – дея сўради онаизор.

- Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, - деди Шаҳло.

- Қизим сирғанг кўринмайди, бирорта дугонангга бердингми?

- Йўқ ойижон, бугун мактабга бораётганимда бир аёл агар бақирсанг ўлдираман, деб сирғамни тортиб олди...

Бу орада Райҳон тортиб олинган сирғани ўз таниши Лолахонга 11 минг сўмга пуллаган эди. Шаҳлонинг онаси содир этилган воқеа ҳақида Ички ишлар бўлимига хабар қилди. Тезкор ходимлар талончилик содир этган Райҳон Ҳусановани ушлаб олишди. Тилла сирға ўз эгасига қайтарилди.

**Собир ЁДИКОВ**

Иккита чукча проводникнинг олдига келибди. Биттаси сўрабди:

— Манави поезд мени Магаданга олиб борадими?

— Йўқ.

Иккинчи чукча сўрабди:

— Мени-чи?...

* * *

Чукча аэропортга қўнғироқ қилибди:

— Чукоткага самолёт қанча вақт учади?

— Бир дақиқа...

— Раҳмат...

* * *

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Бир чукчани фахрий академик қилишмоқчи бўлишибди.

— Йўқ, меники балиқ ушлайди, — дебди чукча.

— Нега тушунмайсан, ахир. Ҳамма нарсанг бўлади. Машина ҳам, коттеж ҳам.

— Ҳа, майли. Жуфт кунлари академик бўламан, тоқ кунлари меники балиқ ушлайди.

* * *

Икки чукча учрашиб қолишибди.

— Сени уйланиб деб эшитдим. Қалай, хотининг ҳалолгина эканми?

— Ҳа. Мана икки йилдирки, ҳали ҳеч нарсани ўғирлагани йўқ.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2843. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
А. ҚУЛТЎРАЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер оператори:
М. ЯХНЯЕВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.